

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

5-6-сон
(141-142)
2005 й.
февраль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

29. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 9 февралдаги ПФ–3570-сон Фармони
30. «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралдаги ПҚ–3-сон қарори
31. «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 февралдаги ПҚ–5-сон қарори

Учинчи бўлим

32. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 35-сон қарори
33. «Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирла-

- ри тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 38-сон қарори
34. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 59-сон қарори
35. «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори
36. «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори

Бешинчи бўлим

37. «Мақтаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 14 январдаги 3, 2005-3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 31 январда 1446-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
38. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган заргарлик буюмлари бўйича акциз солиғи ставкасини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 31 декабрдаги 133-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 31 январда 1447-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
39. «Болалар учун товарлар ва аёллар гигиенаси ашёларини ишлаб чиқариш ҳамда сотишга ихтисослашган корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 18 январдаги 12, 2005-8-сонли қарори (*2004 йил 31 январда давлат реестридан чиқарилди*)
40. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 14 январдаги 2, 259-В-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 2 февралда 1448-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
41. «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 17 январдаги 4, 2005-02-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги*

томонидан 2005 йил 8 февралда 1097-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

42. «Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 24 январдаги 19, 2005-16-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 февралда 1098-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
43. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар учун акциз солиғи тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 24 январдаги 20, 01-02/8-2-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 февралда 1101-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
44. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 19 январдаги 15, 2005-14-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 февралда 1102-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
45. «Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 18 январдаги 9, 2005-4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 февралда 1109-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
46. «Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 18 январдаги 10, 2005-7-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 февралда 1100-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
47. «Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 17 январдаги 5, 2005-6-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 февралда 1118-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
48. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 18 январдаги 14, 2005-13-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 февралда 1123-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

49. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 24 январдаги 21, 01-02/8-1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 февралда 1124-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
50. «Алоҳида турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 18 январдаги 8, 2005-12-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 февралда 1218-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
51. «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 18 январдаги 7, 2005-10-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 февралда 1230-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
52. «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 18 январдаги 11, 2005-9-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 февралда 1260-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
53. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 13 январдаги «Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 11, 2004-10-сонли қарорига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 17 январдаги 6, 2005-5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 февралда 1324-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 29 январдан 11 февралгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

29 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонларига ўзгартиришлар киритилсин:

1. «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сон Фармонида:

а) 3-бандининг иккинчи ва учинчи хатбоши, 4, 5-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 10-бандида:

учинчи хатбошидаги «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг тегишли ҳудудий бўлимларига» сўзлари «Савдо-саноат палатасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини» сўзлари «Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 8 январдаги ПФ-3376-сон Фармони иловасининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 9 февраль,
ПФ-3570-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

30 Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Қайд этилсинки, кейинги йилларда коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмларини жорий этиш бўйича зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилди, уй-жой мулкдорлари билан коммунал хизмат кўрсатувчилар ўртасида шартномавий муносабатлар мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил қилиш жараёни ва уларнинг фаолияти юзаки олиб борилмоқда, амалда тасодифий кишилар ихтиёрига бериб қўйилган, кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва уларни сақлаш ниҳоятда қониқарсиз аҳволда, кўрсатилган коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг тўлов интизоми ҳамон пастлигича қолмоқда.

Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг шаҳарлар—вилоят марказларида, Тошкент шаҳри туманларида, шунингдек аҳолиси 60 минг кишидан ошадиган, кўп хонадонли уйларга эга бўлган шаҳарларда Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг уюшмаларини (бундан буён матнда УМШ Уюшмалари деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, ташкил этиладиган УМШ Уюшмаларининг муассислари таркибига уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (бундан буён матнда — УМШ деб юритилади), коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг таъмирлаш-қайта тиклаш, авария хизматлари, шунингдек тегишли ҳудудлардаги кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи бошқа пудрат ташкилотлари кирадилар.

2. Қуйидагилар УМШ Уюшмаларининг асосий вазифалари этиб белгилансин: уй-жойлар ҳамда уйлар яқин атрофидаги ҳудудларни техникавий ва санитария жиҳатдан яхши ҳолатда сақлаш, уй-жой фондини куз-қиш фаслига тайёрлаш ва ундан фойдаланиш масалаларида УМШнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

уй-жой фондининг техникавий ҳолатини сақлаш, уй-жойларни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек авария-қайта тиклаш ишларини ўтказиш масалалари бўйича УМШнинг эксплуатация, авария-таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш;

УМШнинг моддий-техника ресурслари ва сифатли уй-жой коммунал хизматларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондирадиган тўлақонли бозор инфратузилмасини ташкил қилишга кўмаклашиш;

УМШнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш; уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кадрлари ҳамда раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси масалалари бўйича ахборот-таҳлил депар-

таменти, «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда УМШ шаҳар ва туман Уюшмаларининг Намунавий низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Қуйидагилар тасдиқлансин;

1 ва 2-иловаларга* мувофиқ шаҳар, туман Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасининг намунавий ташкилий тузилмаси ва бошқарув аппарати тузилмаси;

3-иловага* мувофиқ уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатига олиш тартиби ва ҳисобга қўйиш тўғрисидаги низом*.

Белгилансинки, Уюшмага кирувчи уй-жой мулкдорлари ширкатларининг раҳбарлари, таъмирлаш-қайта тиклаш ва авария хизматларининг, уй-жойлардан фойдаланиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари (ташкilotлари)нинг вакиллари УМШ Уюшмалари аъзолари умумий йиғилишининг қатнашчилари ҳисобланадилар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига УМШ Уюшмалари билан ишларни мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича қуйидаги вазифа ҳамда ваколатлар юклатилсин:

уй-жой фондидан фойдаланиш, жорий ва капитал таъмирлашни ўз вақтида амалга ошириш масалаларида УМШ фаолияти самарадорлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш;

кўп хонадонли уй-жой фондида ўтказиладиган таъмирлаш-қайта тиклаш ишларининг тасдиқланган қурилиш норма ва қоидаларига мувофиқлигини назорат қилиш;

УМШ томонидан амалдаги қонунчилик бузилганлиги аниқланган ҳолларда уй-жой мулкдорларининг навбатдан ташқари йиғилишларини чақиритиш;

УМШ раислари ва ижрочи директорларини тайинлаш тўғрисида тавсияномалар, шунингдек уларни уй-жой мулкдорларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этмаган, амалдаги қонунчиликни бузган тақдирда лавозимидан озод қилиш тўғрисида таклифлар киритиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шаҳар ва туманларда уй-жой коммунал хўжалиги масалаларига мутасаддилик қилувчи ҳоким ўринбосари бошчилигида уй-жой фондини сақлаш мониторинги Комиссияларини тузсинлар, уларнинг таркибига кадастр, солиқ, молия хизматларининг, архитектура-қурилиш назорати, ички ишлар органларининг, маҳаллалар, УМШ Уюшмаларининг вакиллари жалб этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ҳ. Тўхтаев, Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, УМШ Уюшмалари билан биргаликда 2005 йилнинг биринчи ярмида УМШ раҳбар ходимларини, жумладан тармоқ коллежлари базасида ўқитишни ташкил қилсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 5 июлдаги Ф-1992-сон Фармойиши билан тузилган Ишчи гуруҳ (Р.С. Азимов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари:

2005 йилнинг феврал-март ойларида битта УМШга бирлаштириладиган хонадонлар (уйлар) сонини қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш мақсадида кўп хо-

* 1—3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

надонли уйлардаги уй-жой эгаларининг навбатдан ташқари йиғилишларини ўтказишни таъминласин;

2005 йилнинг 1 апрелига қадар муддатда УМШ ҳудудий уюшмаларининг таъсис йиғилишларини ўтказсин;

2005 йилнинг 1 майига қадар муддатда тузилаётган УМШ Уюшмаларини зарур хоналар, анжомлар, шунингдек ташкилий техника билан таъминласин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

1991 йилгача бўлган даврда қурилган кўп хонадонли уй-жой биноларини капитал таъмирлаш дастурларига уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан уй-жой биносини капитал таъмирлаш умумий смета қийматининг камида 30 фоизи ҳажмида молиялаштирилган уйлар киритилади;

кўп хонадонли уй-жой биноларида жойлашган бошқа мақсадларда фойдаланилаётган хоналарнинг эгалари турар-жой биносининг умумий мулкни сақлаш ва таъмирлашда иштирок этишлари мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари маҳаллий бюджетларга режадан ортиқча тушган маблағлар ҳисобидан таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари учун УМШга бюджетдан ссудалар берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, «Саноатконтехназорат», Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда белгиланган тартибда қўйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

кўп хонадонли уйларда хоналарни реконструкциялаш, ўзгартириш ва қайта ускуналаш бўйича бинолар хавфсизлигини таъминлайдиган қурилиш норма ва қоидалари;

ҳар бир хонадонда совуқ ва иссиқ сув учун биттадан ошмайдиган ҳисоблагич асбоб ўрнатилишини кўзда тутадиган уй ичи ва хонадон ичи коммунал тармоқларининг схемалари энг мақбул бўлган кўп хонадонли уйларнинг намунавий лойиҳалари.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари уч ой муддатда:

ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаларини тугатиб, уларнинг вазифаларини коммунал хизматини ривожлантириш масалаларига масъул бўлган ҳоким ўринбосари котибияти ихтиёрига топширсинлар;

вилоят «Коммундренаж» ишлаб чиқариш корхоналарини шаҳар ва туман ҳокимликлари билан шартномалар асосида ихтисослаштирилган дренаж ишларини бажарувчи пудрат корхоналарига айлантисинлар.

Шаҳар ва туманларни ободонлаштириш, кўчаларни ёритиш, дренаж ишларини бажариш масалалари нодавлат мулкчилик шаклида барпо этилаётган корхоналар томонидан маҳаллий ҳокимият органлари, УМШ Уюшмалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан шартнома асосида ҳал этилиши белгилаб қўйилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар;

икки ой муддатда — «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Қонуни лойиҳаси.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 10 февраль,
ПҚ-3-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

31 **Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш ва масъулиятини ошириш, тарифларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек коммунал тармоқлардан фойдаланиш, уларни техник жиҳатдан замонавийлаштириш ва қайта жиҳозлаш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тарифлар ва уй-жой-коммунал хўжалигидаги иқтисодий ислохотлар дастури бажарилиши мониторингини олиб бориш республика комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) иловага* мувофиқ ташкил этилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

коммунал хизматларнинг рақобат бозорини шакллантиришга, ушбу соҳада хусусий корхоналарни ривожлантиришга қўмаклашиш;

коммунал хизматлар учун тарифларнинг асоссиз равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида коммунал хизматлар қиймати ва улар учун тарифлар миқдорини белгилашда харажатлар таркибини йилнинг ҳар чорагида ҳудудлар бўйича таҳлил қилиб бориш;

ўрта ва паст босимли газ қувурларида табиий газ, тегишли коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришда улар исроф бўлишининг чекланган нормаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

тасдиқланган дастурга мувофиқ коммунал хизматларни яқка ва умумфойдаланиладиган тартибда ҳисобга олиш асбобларини ўрнатишни назорат қилиш ва улардан фойдаланишнинг тизимли мониторингини олиб бориш;

* Илова берилмайди.

ишлаб чиқариш ва коммунал хизматлар кўрсатиш жараёнида замонавий энергия тежайдиган технологияларни тадбиқ қилиш ва назорат ўрнатишни ташкил этиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

барча юридик шахслар — коммунал хизматлар истеъмолчилари истеъмол қилинган коммунал хизматлар учун календарь ой тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт;

шартномада белгиланган муддатлардан ўтиб кетган ҳар бир кун учун юридик шахслардан муддати ўтказиб юборилган сумманинг 0,4 фоизи, аҳолидан эса 0,1 фоизи миқдорида, аммо 50 фоиздан ошмайдиган миқдорда, пеня қўшиб ундирилади. Олинган пеня суммалари коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун тўлиқ ва мақсадли фойдаланилади;

коммунал хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўламаган истеъмолчилар ўрнатилган тартибда ушбу манбалардан узиб қўйилади;

газ ва сув тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олган, электр энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказган, шунингдек ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштиришга йўл қўйган қоида бузувчилар қонунчиликка мувофиқ то жинойий жавобгарликкача тортиладилар.

3. Белгилансинки, 2005 йил 1 июлдан бошлаб уй-жойлар ичидаги сув ўтказгичлари, канализация, иссиқлик, электр тармоқлари ва қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш харажатлари уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ)да жамланган уй-жой мулкдорларининг маблағлари ҳисобидан қопланади ва, тегишли равишда, совуқ сув, иссиқлик ва электр энергияси етказиб берувчи корхоналарнинг харажатларига киритилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 26 февралдаги ПФ-3038-сон Фармонида мувофиқ уй-жой мулкдорлари ширкатларига берилган солиқ имтиёзлари уй-жой мулкдорлари ширкатларининг профессионал бошқарувчи компанияларига жорий этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарорига мувофиқ 2005 йил 1 январдан бошлаб олинган коммунал хизматлар учун аҳоли томонидан ҳақ тўлаш истеъмолчиларнинг ихтиёрига кўра барча тижорат банки бўлимлари ва тўловларни қабул қилиш кассалари орқали чекловларсиз амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатилган коммунал хизматлар, шу жумладан уй-жойларнинг эксплуатация харажатлари учун аҳолидан нақд пул маблағларини кассаларни четлаб мустақил йиғиш тақиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Х. Тўхтаев Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар иштирокида Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни пухта кўриб чиқсин ва икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчиларнинг коммунал хизмат-

лар ҳақини, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатларини ўз вақтида тўлаш учун жавобгарлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

7. Уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчилар тузилган шартномаларга мувофиқ, коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатларини тўлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларини қўпол равишда бузган ҳолларда шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ, тўланмаган қарзларни айбдор шахслардан белгиланган тартибда ундириб олиш тўғрисида фуқаролик судларига даъво аризалари киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда бўш турган эгасиз уй-жойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликлари бўш ётган уй-жойларни уч ой муддатда хатлаб қўйсинлар.

Бўш ётган эгасиз уй-жойлар аниқланганида уларни белгиланган тартибда давлат мулкига ўтказиш учун судга мурожаат этиш мақсадида уларни ҳисобга олиб қўйиш таъминлансин;

олти ойдан ортиқ коммунал хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш харажатлари учун ҳақи тўланмаган бўш ётган уй-жойлар аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ уй-жой мулкдорларининг муайян жавобгарлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун фуқаролик судларига даъво аризалари киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда суд органлари ушбу қарор ижроси бўйича қабул қилган қарорларни суд ижрочилари томонидан ижро этиш тартиби тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

уй-жой коммунал соҳасидаги норматив-ҳуқуқий бошқариш аввало қонун ҳужжатлари билан амалга оширилишини назарда тутган ҳолда тегишли идоравий норматив ҳужжатларни танқидий қайта кўриб чиқсин ва уларни кескин камайтириш ҳамда тартибга келтириш чораларини кўрсин;

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 февраль,
ПҚ-5-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

32 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 27 январь,
35-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 27 январдаги 35-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чернобыль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида» 1992 йил 6 апрелдаги 170-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 4-сон, 13-модда) 2-банди «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзларидан олдин «Молия вазирлиги хузуридаги» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 2-сон, 7-модда) билан тасдиқланган Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари 28-бандининг иккинчи хатбоши «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» ҳамда «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзларидан олдин «Молия вазирлиги хузуридаги» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарориди:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

а) 1-банднинг ўн иккинчи хатбошидаги «Пенсия жамғармасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Учувчилар ва синовчи-учувчилар таркибига кирувчи ходимларга пенсия тайинлаш учун белгиланган хизмат муддатларини ҳисоблаш тартиби 7-банднинг учинчи хатбоши «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзларидан олдин «Молия вазирлиги хузуридаги» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 8-илованинг номидаги «Пенсия жамғармасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Пенсия жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-банднинг иккинчи хатбоши, 5-банд, 6-банднинг биринчи хатбоши, 20-банднинг иккинчи хатбоши, 24-банд ва Низомга 1-илова «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзларидан олдин «Молия вазирлиги хузуридаги» сўзлари билан тўлдирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июндаги 317-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 6-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллиги туфайли тайинланган пенсияларни бошқа давлатларга ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзларидан олдин «Молия вазирлиги хузуридаги» сўзлари билан тўлдирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Болаликдан ногиронларга, қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» 1994 йил 24 июндаги 319-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 6-сон, 33-модда) 1-илованинг 16-банди ва 2-илованинг 4-банди «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзларидан олдин «Молия вазирлиги хузуридаги» сўзлари билан тўлдирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 6-сон, 21-модда) илованинг II бўлими 5-бандидаги «вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар) пенсия жамғармаси бўлимига» сўзлари «туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий суғурталарга бадаллар миқдорлари тўғрисида» 1999 йил 30 июлдаги 372-сон қарорининг муқаддимасидаги ва 4-бандидаги «Пенсия жамғармаси» ва «Пенсия жамғармасига» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» ва «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 5 августдаги 305-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 48-модда) 7-бандидаги «Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 5 августдаги 307-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 49-мод-

да) 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Пенсия ва Республика йўл жамғармасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «SOS—Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг хайрия фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 26 июндаги 271-сон қарорининг 1-банди «бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига» сўзларидан олдин «Молия вазирлиги хузуридаги» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

33 Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Тўқимачилик саноатига инвестициялар жалб этишни янада рағбатлантириш, тармоқ корхоналарини пахта етиштириш учун ўзининг ишончли хом ашёси базаси мавжуд бўлиши асосида оқилона жойлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2005—2008 йилларда тўқимачилик саноатига инвестициялар жалб этиш дастури 1-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Қуйидагилар Тўқимачилик саноатига инвестициялар жалб этиш дастурини амалга оширишнинг асосий вазифалари ҳисоблансин:

пахта толасини қайта ишлашнинг тугалланган технологик циклига эга бўлган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

юқори қўшилган қийматга эга бўлган юқори сифатли, рақобатбардошли тўқимачилик товарлари ишлаб чиқариш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг камида 80 фоизи миқдорида тўқимачилик буюмлари экспорт қилинишини таъминлаш;

тўқимачилик корхоналарини, биринчи навбатда, иш билан таъминланмаган меҳнат ресурслари даражаси юқори бўлган туманларда жойлаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси тасдиқланган Дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун потенциал хорижий инвесторларни танлаш ва жалб этиш ишларини ташкил этсинлар, бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг энг кўп жалб қилинишига алоҳида эътиборни қаратсинлар.

3. 1-иловага мувофиқ Дастурда назарда тутилган маҳсулотларни экспортга етказиб бериш бўйича ўз зиммасига олинган мажбуриятлар хорижий шерик томонидан бажарилмаган тақдирда унга нисбатан мазкур корхоналарга пахта толаси ва

* 1-илова берилмайди.

йигирилган ип сотишни тўхтатиб қўйишгача бўлган жарима санкциялари қўлландиган тартиб белгилансин.

4. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг тасдиқланган Дастурга кирган ва техника билан қайта жиҳозлашни амалга ошираётган корхоналари «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳузуридаги эксперт кенгаши хулосалари асосида ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун келтириладиган технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналар, технологик жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Қўйидагилар:

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳузуридаги енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва замонавийлаштириш бўйича таклифларни қўриб чиқиш Эксперт кенгашининг шахсий таркиби 2-иловага* мувофиқ;

Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва замонавийлаштириш бўйича таклифларни «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳузуридаги Эксперт кенгаши томонидан қўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги ПФ–3267-сон Фармонида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 141-сон қарорида назарда тутилган имтиёзлар «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари учун 2009 йил 1 январгача бўлган даврга узайтирилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси корхоналарининг акциялари пакетини ёки мулк комплексларини сотиш фақат потенциал харидорларда «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳузуридаги Эксперт кенгаши томонидан маъқулланган аниқ инвестиция мажбуриятлари мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

7. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш (Р.С. Азимов) билан келишган ҳолда, ушбу қарор билан тасдиқланган Тўқимачилик саноатига инвестициялар жалб этиш дастурига киритилган инвестиция лойиҳалари рўйхати ва параметрларига тузатишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 27 январь,
38-сон

* 2-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 27 январдаги 38-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш
ва замонавийлаштириш бўйича таклифларни
«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳузуридаги
Эксперт кенгаши томонидан кўриб чиқиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг «Пахта толасини комплекс қайта ишлайдиган корхоналарни қуриш, қайта ихтисослаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 3 сентябрдаги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 8 сентябрда 1403-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

2. Мазкур Низом пахта толасини комплекс қайта ишлайдиган корхоналарни қуриш, қайта ихтисослаштириш ва замонавийлаштиришга доир таклифларни кўриб чиқиш ва улар бўйича «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳузуридаги эксперт кенгаши томонидан хулоса бериш тартибини белгилайди. Шунингдек, мазкур Тартиб енгил саноатнинг бошқа тармоқлари (тикув-трикотаж, чинни ва бошқалар) корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва замонавийлаштириш, ишлаб турган бошқа корхоналарини қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқишда қўлланилади.

3. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисоблаб чиқилган қурилиш қиймати 25 млн. АҚШ долларидан ортиқ миқдорга тенг бўлган, шунингдек молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси номидан ва (ёки) кафолати остида жалб этилган кредитлар ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларга татбиқ этилмайди.

II. Хулоса олиш учун ариза бериш тартиби

4. Пахта толасини комплекс қайта ишлаш бўйича мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхонани қуриш, қайта ихтисослаштириш ва замонавийлаштириш бўйича лойиҳа ташаббускори (кейинги ўринларда Ариза берувчи деб юритилади) потенциал инвестор билан лойиҳа шартларини ишлаб чиқади ва лойиҳанинг техник-иқтисодий асослашларини мустақил ишлаб чиқади ёхуд консалтинг компаниясини жалб этади.

Техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Ариза берувчи томонидан ёки жалб этилган компания томонидан амалга оширилади.

5. Техник-иқтисодий асослаш тайёрлангандан кейин Ариза берувчи «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳузуридаги Эксперт кенгашининг кўриб чиқиши учун ёзма ариза тақдим этади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши керак:

объектнинг танланган муҳандислик таъминоти, технологиялар, молиялаштириш манбалари, қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажаришга дастлабки смета, маҳсулотни сотиш учун менежмент ва маркетинг харажатлари кўрсатилган ҳолда лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши;

асбоб-ускуналар етказиб бериш шартлари, унинг қиймати, асбоб-ускуналарнинг маркаси, техник тавсифлари, ишлаб чиқарилган йили кўрсатилган технология асбоб-ускуналари етказиб бериш юзасидан контрактлар лойиҳалари;

ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулотларни сотиш учун фьючерс контрактлари лойиҳалари (мўлжал баённомалари).

Хулоса бериш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончлилиги учун Ариза берувчи жавоб беради.

6. Тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган ҳужжатлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

7. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳузуридаги Эксперт кенгашининг хулосасида қуйидаги параметрлар бўйича баҳолар акс эттирилиши керак:

тармоқда замонавий технологиялардан фойдаланиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва уларнинг турларини кенгайтириш;

таклиф этилаётган технология жараёни асбоб-ускуналари тизимининг комплектилиги;

лоyiҳанинг мавжуд корхоналар билан тармоқ ичидаги ўзаро алоқаси;

лоyiҳа қиймат тавсифларининг мувофиқлиги;

хом ашё ва тайёр маҳсулотни сотиш бозорларини ўрганиш.

Ариза берувчи зарурат бўлганда объектни эксперт баҳолаш учун «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳузуридаги Эксперт кенгаши аъзоларининг объектга киришини таъминлаши зарур.

III. Хулоса олиш учун аризаларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари

8. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ҳузуридаги Эксперт кенгаши икки ҳафта мобайнида аризани эксперт баҳолайди. Зарурат бўлганда «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси тегишли хулоса олиш учун ваколатли консалтинг компаниясини жалб этади.

9. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг Инвестицияларни жалб қилиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш бош бошқармаси (кейинги ўринларда Бош бошқарма деб юритилади) Эксперт кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

Эксперт кенгашнинг хулосасини олиш учун тушган аризалар кўриб чиқиш ва Эксперт кенгашнинг қарорини тайёрлаш учун Бош бошқармага юборилади.

10. Бош бошқарма бир кун муддатда тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб, тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлигини ва мазкур Низомнинг 5-бандига мувофиқлигини аниқлайди.

Ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур Низомнинг 5-бандига мувофиқ тақдим этилган тақдирда, Кенгаш раиси билан келишган ҳолда Эксперт кенгаш мажлисини ўтказиш санаси белгиланади (ариза олингандан кейин 9 кун мобайнида). Эксперт кенгаш аъзоларига мажлис ўтказиш санаси тўғрисидаги ахборот, ариза ва тегишли хулосани тайёрлаш учун унга илова қилинган ҳужжатлар юборилади.

Ваколатли консалтинг компаниясининг хулосаси зарур бўлганда Ариза берувчи иштирокида икки кун муддатда мажлис ўтказилади ва консалтинг компанияси белгиланади. Жалб этилган консалтинг компанияси томонидан бажарилган ишга ҳақ тўлаш Ариза берувчи ва консалтинг компанияси ўртасида тузиладиган алоҳида шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Ариза билан ҳужжатлар мазкур Низомнинг 5-бандига мувофиқ тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган тақдирда, Бош бошқарма уч кун муддатда Ариза берувчига сабабларини кўрсатган ҳолда ариза кўриб чиқиш учун Эксперт кенгаш томонидан қабул қилинмаганлиги тўғрисида ёзма шаклда маълум қилади.

Ариза берувчи кўрсатиб ўтилган барча камчиликлар бартараф этилгандан кейин такроран ариза беришга ҳақлидир. Такроран тақдим этилган ариза белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

11. Эксперт кенгаш аъзолари тақдим этилган ҳужжатлар асосида, мажлис ўтказиладиган кунгача, қуйидаги жиҳатлар бўйича уларнинг фаолиятига тегишли бўлган ёзма хулосани тайёрлайди:

тармоқда замонавий технологиялардан фойдаланиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва уларнинг турларини кенгайтириш;

таклиф этилаётган технология жараёни асбоб-ускуналари тизимининг комплектилиги;

лойиҳанинг мавжуд корхоналар билан тармоқ ичидаги ўзаро алоқаси;

лойиҳа қиймат тавсифларининг мувофиқлиги;

хом ашё ва тайёр маҳсулотни сотиш бозорларини ўрганиш.

12. Эксперт кенгаш мажлиси белгиланган муддатда ўтказилади ва мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади. Мажлисида Кенгаш раиси раислик қилади, у бўлмаган тақдирда — Кенгаш раисининг ўринбосари, шунингдек унинг вазифаларини вақтинча бажарувчи шахс раислик қилади.

Эксперт кенгаш мажлиси унинг аъзоларининг 75 фоизи қатнашган тақдирда ҳуқуқий ваколатли ҳисобланади. Кворум таъминланмаган тақдирда, мажлис 1 кунга кечиктирилади. Мажлис давомида кенгаш аъзоларининг фаолиятига тегишли жиҳатлар бўйича уларнинг хулосалари ўрганилади ва тегишли қарор чиқарилади.

Баённомада ўтказилган мажлиснинг жойи ва вақти, кун тартиби, Кенгаш раиси, котиб, қатнашган кенгаш аъзолари, ариза берувчи, унинг томонидан таклиф этилаётган лойиҳа тўғрисидаги ахборот, лойиҳа бўйича кенгаш аъзоларининг хулосаси ва Эксперт кенгаш қарори кўрсатилади.

13. Эксперт кенгаш таклиф этилаётган лойиҳани ва тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама ва ҳолисона ўрганиб чиқиб:

кредит ресурслари жалб этилмайдиган лойиҳалар бўйича — аризани Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисида;

Ҳукумат кафолатсиз кредитлар жалб этилган лойиҳалар бўйича — аризани, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги учун хулоса тайёрланган ҳолда, молиялаштирувчи (корхонанинг асосий ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатувчи) тижорат банкига экспертизадан ўтказиш учун юбориш тўғрисида;

ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган, шунингдек уларда хатолар, ишончсиз ахборот ва бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш учун Ариза берувчига қайтариб берилиши тўғрисида қарор қабул қилади.

14. Лойиҳа бўйича Эксперт кенгаш аъзоларининг тегишли хулосалари асосида

хулоса тасдиқланади ва аризани кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига, Иқтисодиёт вазирлигига ёки экспертизадан ўтказиш учун мазкур идоралар томонидан вакил қилинган молиялаштирувчи тижорат банкига юбориш тўғрисида қарор қабул қилинади. Умумлаштирилган хулосада мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган талаблар акс эттирилиши керак.

Эксперт кенгаш аъзолари хулосаларнинг ўз фаолиятига тегишли қисми ишончилиги учун жавобгар ҳисобланадилар.

15. Тасдиқланган хулоса илова қилинадиган ариза ва бошқа ҳужжатлар билан биргаликда бир кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига, Иқтисодиёт вазирлигига ёки экспертизадан ўтказиш учун ушбу идоралар томонидан вакил қилинган молиялаштирувчи тижорат банкига юборилади.

16. Камчиликлар бартараф этилгандан кейин такроран тақдим этилган аризалар бир ҳафта муддатда кўриб чиқилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ёки ваколатли молиялаштирувчи тижорат банки томонидан Ариза берувчига ва Эксперт кенгашга қайтарилган ҳужжатлар бўйича экспертиза ўн кун муддатда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

34 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 7 июлдаги ПФ-3453-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 февраль,
59-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 11 февралдаги 59-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарорига 3-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 1-сон, 1-модда):

а) 3-рўйхат қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси»;

б) 6-рўйхат қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосарлари».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий саноатни бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 18 августдаги 405-сон қарори 3-бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 19 сентябрдаги 446-сон қарорининг 5-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 9-сон, 32-модда) «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» сўзлари «Савдо-саноат палатаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 5-сон, 20-модда):

а) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 1-илованинг 4-бандида:

«Кафолатлар ва имтиёзлар мазмуни» устунидаги «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Қонун ҳужжатлари» устунидаги матн қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (39-модда);

в) 2-илованинг учинчи позициясида:

«Органнинг номи» устунидаги матн қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси»;

«Кичик бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича вазифалари» устунидаги матн қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни, энг аввало кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмак бериш.

Хорижий шериклар билан амалий музокаралар ва алоқаларни кенгайтиришда, экспортбоп маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳамда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилишда тадбиркорларга ёрдам кўрсатиш.

Бошқа давлатларнинг савдо-саноат палаталари ҳамда тадбиркорлар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш.

Тадбиркорларга кенг хизмат турларини кўрсатиш, жумладан ахборот таъмино-

ти ва консултиватив ёрдам бериш, Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчилари, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳамда инвестиция имкониятлари тўғрисида ахборотлар, шунингдек салоҳиятли шериклари ва замонавий технологияларни сотиб олиш имкониятлари тўғрисида маълумотлар киритилган бизнес-каталоглар нашр этилишини ташкил қилиш.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳитни шакллантириш, бизнес юритишнинг умум қабул қилинган халқаро ҳуқуқ ва нормалари тажрибасини жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни яхшилашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

Тадбиркорларни ифодалаш ва уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини, шу жумладан уларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларида, шунингдек судда ҳимоя қилиш.

Тадбиркорлик фаолияти учун таълим тизимини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлашда, тадбиркорлар ўқишини ташкил этиш ҳамда малакасини оширишда уларни қўллаб-қувватлаш».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 30 мартдаги 146-сон қарорининг 4-бандидаги «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш автомобиль транспортида очиқ тендерлар ташкил этиш ва ўтказиш масалалари тўғрисида» 1999 йил 29 июлдаги 368-сон қарорига 4-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 44-модда) «Пардаев Н.Х. — Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раисининг биринчи ўринбосари» сўзлари «Отахонов Ф.Х. — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 4 мартдаги 75-сон қарорига илованинг 2-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 3-сон, 11-модда) «Бажарилиши учун масъуллар» устундаги «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» сўзлари «Савдо-саноат палатаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2000 йил 26 июндаги 243-сон қарорига 4-илованинг 10-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 32-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Отахонов Ф.Х. — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари».

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 22 августдаги 347-сон қарорининг 5-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 47-модда):

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «хўжалик ҳисобидаги ахборот-маслаҳат марказлари орқали» сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сон қарорининг 1-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 9-сон, 52-модда) «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» сўзлари «Савдо-саноат палатаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон қарорига 3-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 73-модда) «Собиров М.А. — Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси» сўзлари «Шайхов А.Э. — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 4-банднинг учинчи хатбошидаги «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳузуридаги ахборот-маслаҳат марказлари» сўзлари «Савдо-саноат палатаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Тадбиркорлик субъектларини (юрidik шахс ташкил этган ҳолда) давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш схемасидаги «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» ҳамда «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг» сўзлари тегишли равишда «Савдо-саноат палатаси» ҳамда «Савдо-саноат палатасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 78-модда) билан тасдиқланган Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш тўғрисидаги низомнинг 4-бандидаги «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» сўзлари «Савдо-саноат палатаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 11 февралдаги 65-сон қарорига 2-илованинг 5.1-кичик бандида «Масъуллар» устунидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти» ҳамда «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» сўзлари тегишли равишда «Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» ҳамда «Савдо-саноат палатаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 25 февралдаги 87-сон қарорига 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 15-модда) «Собиров М.А. — Ўзбекистон Товар ишлаб чиқа-

рувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси» сўзлари «Шайхов А.Э. — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 мартдаги 134-сон қарорида:

а) 1-илова 5.18, 5.19 ва 5.50-бандларининг «Бажариш учун масъуллар» устунидаги «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» сўзлари «Савдо-саноат палатаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

Ўзбекистон — Европа Иттифоқи Ҳамкорлик кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми таркибига Шайхов А.Э. — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси киритилсин;

Савдо ва инвестициялар бўйича кичик қўмитанинг Ўзбекистонга оид қисми таркибига Қосимов Н.С. — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари киритилсин;

Адлия, хавфсизлик, ички ишлар, божхона ҳамкорлиги ва бошқа қўшимча масалалар бўйича кичик қўмитанинг Ўзбекистонга оид қисми таркибига Отахонов Ф.Х. — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари киритилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 14 апрелдаги 181-сон қарорига 1-иловада «Собиров М.А. — Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси» сўзлари «Шайхов А.Э. — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорида:

2, 26, 29 ва 44-иловалардаги Кенгашлар таркибига Шайхов А.Э. — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси киритилсин;

28-иловадаги комиссия таркибига Қосимов Н.С. — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари киритилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 11 февралдаги 59-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолияти масалалари тўғрисида» 1996 йил 30 мартдаги 125-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 21 апрелдаги 166-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2001 йил 27 июндаги 276-сон қарорига илованинг 10-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 34-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2004 йил 12 мартдаги 121-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 28-модда) илованинг 4-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

35 Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида» 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, қайта ташкил этилган ёки тугатилган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), фермер ва деҳқон хўжалиқларининг ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш бўйича мазкур қарор қабул қилингунгача бўлган қарзлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобига белгиланган тартибда тўланади.

3. Вазирликлар, идоралар, мулкчилик ва ишлаб чиқариш шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар мазкур Қоидаларнинг ўз таркибий бўлинмалари ва тузилмаларига етказилишини, шунингдек уларнинг тўғри қўлланишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ва айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 февраль,
60-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан
боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши
ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли
етказилган зарарни тўлаш
ҚОИДАЛАРИ**

I. Умумий қоидалар

1. Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши* туфайли етказилган зарарни тўлаш бўйича муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек мазкур Қоидалар билан тартибга солинади.

Мазкур Қоидаларнинг амал қилиши, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ёлланма меҳнатдан фойдаланаётган юридик шахсларга, юридик шахс бўлмасдан фаолият юритаётган деҳқон хўжаликларига (кейинги ўринларда матнда иш берувчи деб юритилади), шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат шартномаси бўйича ишлаган ёки ишлаётган ҳамда меҳнат жароҳати олган ходимларга жорий этилади.

2. Иш берувчи иш берувчининг ҳудудида ва унинг ташқарисида, шунингдек иш берувчи берган транспортда ишга келиш ёки ишдан кетиш вақтида ходимнинг соғлигига меҳнат жароҳати билан етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Иш берувчи, меҳнат жароҳати ёки бошқа меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ равишда ходим соғлигига етказилган зарарни, агар у етказилган зарар учун ўзининг айбдор эмаслигини исбот қила олмаса, ходимга етказилган зарарни тўлаши шарт.

3. Иш берувчи томонидан ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техник, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика чоралари ҳамда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш тадбирлари таъминланмаганлиги (меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, саноат санитарияси қоидалари ва шу қабиаларга риоя қилмаслик) туфайли олинган меҳнат жароҳати унинг айби билан содир этилган деб ҳисобланади.

4. Қуйидаги ҳужжатлар меҳнат жароҳати учун иш берувчининг айбдорлигини ёки жавобгарлигини исботловчи далил бўлиши мумкин:

бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси;

бахтсиз ҳодиса ва ишлаб чиқаришда соғлиққа етказилган бошқа хил шикастлар тўғрисида далолатнома;

суд қарори;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, соғлиққа етказилган зарар сабабларини назорат қилишни амалга оширувчи давлат меҳнат техника инспектори ёхуд бошқа мансабдор шахслар (органлар)нинг хулосаси;

* Кейинги ўринларда меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда олинган жароҳатлар, касб касалликларига чалиниш ёки соғлиққа етказилган бошқа хил шикастлар «меҳнат жароҳати» деб аталади.

касб касаллиги тўғрисида тиббий хулоса;
айбдор шахсларга маъмурий ёки интизомий жазо бериш тўғрисидаги қарор;
касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа ваколатли органи қарори.

Келишмовчилик пайдо бўлганда ёки иш берувчи зарарни тўлашни рад этганда, ушбу масала қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва ходимлар соғлигига етказилган бошқа шикастларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби Ҳукумат томонидан белгиланади.

5. Жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги зарарнинг келиб чиқишига ёки унинг қўпайишига сабаб бўлган тақдирда, зарарнинг тўлов миқдори суммаси жабрланувчининг айбига қараб камайиши мумкин, лекин камайиш эллик фоиздан кўп бўлмаслиги лозим.

Жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги туфайли ҳамда иш берувчининг айби бўлмаган ҳолларда, иш берувчининг жавобгарлиги, айбидан қатъи назар (яъни унинг меҳнат вазифаларини бажаришда юқори хавfli манбалар томонидан ходим соғлигига етказилган зарар), зарарни тўлаш суммаси жабрланувчининг айбдорлиги даражасига қараб камайиши ҳам мумкин, лекин камайиш эллик фоиздан кўп бўлмаслиги лозим. Бунда зарарни тўлашдан бош тортишга йўл қўйилмайди.

Жабрланувчининг айбдорлиги даражаси корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи қарори билан, мазкур масала бўйича келишмовчилик пайдо бўлганда эса — суд томонидан белгиланади.

Зарарни тўлашнинг қўшимча турларига, бир йўла нафақа тўлашга, шунингдек боқувчисининг вафоти туфайли етказилган зарар тўловларига нисбатан аралаш жавобгарлик қўлланилмайди.

6. Жабрланувчининг меҳнат жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизлик даражаси Тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан белгиланади.

Касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даражасини белгилаш билан бир вақтда, ТМЭК асослари мавжуд бўлганда, ногиронликнинг тегишли гуруҳи белгиланади ҳамда жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига бўлган муҳтожлиги аниқланади.

7. Мазкур Қоидаларга мувофиқ зарарни тўлаш учун зарур бўлган пул суммаси, қўшимча харажатларни қоплаш ҳамда бир йўла тўланадиган нафақа миқдори жамоа шартномаси (битимлари) асосида оширилиши мумкин.

8. Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори* оширилганда соғлиқнинг шикастланиши билан боғлиқ зарар ёки боқувчисининг вафоти билан боғлиқ равишда бериладиган йўқотилган иш ҳақи, бошқа тўловларни қоплаш суммаси энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг оширилган суммасига мутаносиб равишда қўпайтирилади.

9. Меҳнат жароҳати олгандан кейин меҳнат муносабатларини тўхтатиш зарарни тўлашдан озод қилмайди.

10. Қуйидагилар жабрланувчига етказилган зарарни тўлашда суммани тўлаш манбалари ҳисобланади:

бюджет ташкилотлари ва муассасалари учун — қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат бюджети маблағлари;

бошқа иш берувчилар учун — ўз маблағлари.

* Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи.

II. Соғлиғига шикаст етказилганлиги билан боғлиқ ҳолда зарарнинг жабрланувчига тўланадиган миқдори

11. Ходимга жароҳат ёки соғлиғига бошқа шикаст етказилганда жабрланувчининг олган ёхуд олиши мумкин бўлган йўқотган иш ҳақи (даромади) тўланади.

Зарар ҳар ойда жабрланувчининг касбий меҳнат фаолиятини йўқотиш даражасига тегишли равишда меҳнат жароҳати олгунга қадар унинг ўртача ойлик иш ҳақиға фоизларда, соғлиғига шикаст етказилиши сабабли қилинган қўшимча харажатлар компенсацияларда, шунингдек белгиланган ҳолларда бир марталик нафақалар тўлашда қопланади.

Иш ҳақи ёки унинг бир қисми тўланаётганда, жароҳат олиши туфайли тайинланган ногиронлик пенсиялари, шунингдек меҳнат жароҳати олгунга қадар ва ундан кейин тайинланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловларнинг бошқа турлари етказилган зарарни тўлашда ҳисобга олинмайди. Шунингдек жабрланувчининг жароҳат олгандан кейинги иш ҳақи ҳам зарарни тўлашда ҳисобга олинмайди. Бунда жабрланувчиларга — меҳнат жароҳати бўйича ногиронларга зарарни тўлаш миқдори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

12. Жабрланувчининг йўқотган иш ҳақи таркибига: ҳам асосий, ҳам даромад солиғи ундириладиган ўриндошлик иш жойи бўйича меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича барча меҳнат ҳақи турлари; тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромади (солиқ инспекцияси маълумотлари асосида); муаллифлик ҳақи; вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги ҳамда ҳомиладорлик ва туғруқ таътиллари даври учун тўланган нафақалар киритилади.

Барча иш ҳақи турлари солиқлар ушлаб қолингунга қадар ҳисобланган суммаларда ҳисобга олинади.

Ўқиш даврида тўланадиган стипендия (зарарни қоплаш тўғрисида мурожаат қилувчининг хоҳишига кўра) иш ҳақиға тенглаштирилади.

13. Жабрланувчининг йўқотган иш ҳақи таркибига қуйидагилар киритилади: юридик шахсларнинг устав фондларидаги қўйилмалари ёки пайлари бўйича улар томонидан олинadиган дивидендлар ва фоизлар, шунингдек қимматли қоғозлар бўйича даромадлари; бир марталик тусдаги тўловлар (фойдаланилмаган таътил учун пул компенсациялари, меҳнат шартномаси тўхтатилганда берилadиган ёрдам нафақалари).

14. Ўртача ойлик иш ҳақи меҳнат жароҳати олиш ёки меҳнат жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизликдан ёхуд меҳнатга лаёқат даражаси пасайишидан (фуқаронинг таълови бўйича) олдинги охирги ўн икки ой мобайнидаги иш (хизмат, муддатли ҳарбий хизматдан ташқари) бўйича аниқланади. Касб касаллиғига чалинган тақдирда ўртача ойлик иш ҳақи ҳам бундай касалликка сабаб бўлган ишни тўхта-тишдан олдинги охирги ўн икки ой бўйича белгиланиши мумкин.

Ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқариладиган ойлар сонидан (фуқаронинг хоҳишига кўра) иш оининг биринчи кунидан бошланмаганлиги ёки тўхтатилмаганлиги муносабати билан тўлиқсиз иш ойлари ҳамда уч ёшгача бўлган болани парвариш қилиш муносабати билан берилadиган таътил ойлари (шу жумладан, тўлиқ бўлмаган ойлари), шунингдек ходим ногирон ҳисобланган ёки меҳнат жароҳати туфайли етказилган зарар тўловини олиб келган, I гуруҳ ногирони, 16 ёшгача бўлган ногирон болани ёки даволаш муассасасининг ўзганинг парваришига муҳтожлик ҳақидаги ҳулосасига кўра қарияларни парвариш қилиш мобайнидаги иш вақти чиқариб ташланади. Бунда чиқариб ташланган ойлари бевосита бошқа олдинги ойлари билан

алмаштирилади ёки уларни алмаштириш имкони бўлмаганда ҳисоблашдан чиқариб ташланади. Бундай алмаштириш, жароҳатланишдан ёки касб касаллигига чалинишдан олдинги иш жойидан қатъи назар, охириги икки йил доирасида амалга оширилади.

15. Ўн икки ойдаги иш учун ўртача ойлик иш ҳақи мазкур Қоидаларнинг 14-бандида кўрсатилган иш ҳақининг умумий суммасини ўн иккига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади. Жабрланувчи зарар етказилган вақтда ўн икки ойдан кам ишлаган тақдирда, ўртача ойлик иш ҳақи ҳақиқатда ишлаган умумий иш ҳақини ишлаган ойлар сонига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Иш даври тўлиқ ойдан кам вақтни ташкил қилган тақдирда, зарарни тўлаш миқдори шартли ойлик иш ҳақи (даромад) миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. У қуйидаги тартибда аниқланади: бутун ишланган вақт давомида олинган иш ҳақи (даромад) кунлар сонига бўлинади, ҳосил бўлган сумма бир йил учун ўрта ҳисобда ҳисоблаб чиқилган бир ойдаги иш кунлари сонига кўпайтирилади.

Ҳақиқий иш ҳақи миқдори тўғрисидаги ҳужжатларни олиш имконияти бўлмаган тақдирда зарарни тўлаш миқдори зарарни тўлаш тўғрисида мурожаат қилинган вақтда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Жабрланувчининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кўп бўлмаган ҳолларда ҳам етказилган зарарни тўлаш миқдори худди шу тартибда ҳисоблаб чиқилади.

16. Балоғатга етмаганлар меҳнат жароҳати олган тақдирда, зарар унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

17. Агар бир иш берувчида ишланган даврда меҳнат жароҳати такроран олинган тақдирда ўртача ойлик иш ҳақи жабрланувчининг хоҳишига кўра биринчи ёки такрорий меҳнат жароҳати олингандан илгариги тегишли даврлар бўйича ҳисоблаб чиқилади. Зарарни тўлаш миқдори касбга доир меҳнатга лаёқатсизликнинг умумий фоизига қараб ҳисоблаб чиқилади.

Агар меҳнат жароҳатлари турли иш берувчиларда ишлаганда олинган бўлса, у ҳолда зарарнинг тўлов миқдорини аниқлаш ҳар бир иш берувчи томонидан, тегишли меҳнат жароҳати бўйича касбга доир меҳнатга лаёқатсизлик фоизига қараб алоҳида амалга оширилади.

18. Чет элларда ишлаган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) чет элда ишлаганлик учун тўловларни чиқариб ташлаган ва мазкур Қоидаларнинг 8-бандини ҳисобга олган ҳолда умумий асосларда ҳисоблаб чиқилади.

19. Ишлаб чиқариш таълимини (амалий машғулотни) ўташ даврида меҳнат жароҳати олган фуқароларнинг ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) жабрланувчининг қайси касб (мутахассислик) бўйича ўқиганлигига қараб, шу касб (мутахассислик) ставкаси (маош)дан келиб чиққан ҳолда (аммо 2 разряддан паст эмас) ҳисоблаб чиқилади. Ўқиш (амалий машғулот) давомида иш ҳақи (даромад) олган шахсларга, уларнинг хоҳишига кўра, ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) шу давр учун ҳисоблаб чиқилади. Жабрланувчиларнинг хоҳишига кўра, ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) ўқиш даврида тўланган стипендия бўйича ҳам ҳисоблаб чиқилиши мумкин.

20. Меҳнат жароҳати туфайли ўзининг розилиги билан вақтинча енгилроқ, кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган жабрланувчига иш ҳақи меҳнатга лаёқати тиклангунга қадар меҳнат жароҳати олгандан аввалги ўртача ойлик иш ҳақи (даромади)дан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

Бошқа ишга ўтказиш зарурлиги, унинг давом этиш муддати ва тавсия этиладиган иш тури ТМЭК хулосасига мувофиқ белгиланади.

21. Агар жабрланувчи меҳнат жароҳати туфайли аввалги ишини бажара олмаган тақдирда иш берувчи жабрланувчини унинг хоҳишига кўра ТМЭК хулосасига мувофиқ, ўз ҳисобидан янги касбга ўқитиши шарт.

Янги касбга ўқитиш даврида жабрланувчига меҳнат жароҳати олгунга қадар олган ўртача ойлик иш ҳақи (даромади) тўланади. Мазкур даврда зарарни қоплаш суммасини тўлаш умумий асосларда амалга оширилади.

III. Меҳнат жароҳатлари туфайли қилинган қўшимча харажатларни жабрланувчига тўлаш

22. Етказилган зарар учун жавобгар бўлган иш берувчи жабрланувчига, ўртача ойлик иш ҳақи (даромади)дан ташқари, меҳнат жароҳати туфайли қилинган қўшимча харажатларни ҳам тўлашга мажбурдир. Тўланадиган бундай харажатларга даволаш, протезлаш, қўшимча овқатланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, санатория-курортда даволаниш, шу жумладан жабрланувчининг даволанадиган жойга бориш ва келиш йўл харажатлари, зарур ҳолларда эса шунингдек ўзганинг парваришига муҳтож бўлганда, кузатиб борувчи шахснинг ҳам йўл харажатлари, махсус транспорт воситаларини сотиб олиш ва бошқа турли ёрдам харажатлари, агар у ТМЭК томонидан ёрдамнинг ушбу турларига муҳтож деб топилган бўлса ва уларни тегишли ташкилотлардан бепул олиш ҳуқуқи бўлмаса, шунингдек жабрланувчи билан иш берувчи ўртасида зарарни тўлаш бўйича баҳс пайдо бўлганда ҳамда баҳс жабрланувчи фойдасига ҳал бўлган ҳолларда адвокат ёллаш учун қилинган харажатлар киради.

Дори-дармонлар сотиб олиш учун қилинган харажатлар даволовчи шифокор томонидан ёзиб берилган белгиланган шаклдаги рецепт ҳамда пул тўланганлиги тўғрисидаги чек тақдим этилганда иш берувчи томонидан жабрланувчига тўланади.

I гуруҳ ногиронлари учун ТМЭКнинг уй шароитида парваришга муҳтожлик ҳақидаги хулосаси талаб қилинмайди (улар махсус тиббий парваришга муҳтож бўлган ҳоллар бундан мустасно).

Мазкур бандда кўрсатилган ёрдамнинг бир нечта турларига муҳтож бўлган жабрланувчига ёрдамнинг ҳар бир турини олиш билан боғлиқ харажатлар тўланади.

23. Махсус тиббий парваришга муҳтож бўлган жабрланувчилар учун қўшимча харажатлар ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида белгиланади.

Уй шароитида парвариш қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизи миқдорида белгиланади.

Ҳам махсус тиббий парваришга, ҳам уй шароитидаги парваришга муҳтож бўлган жабрланувчига уй шароитидаги парвариш билан боғлиқ харажатлар махсус тиббий парвариш харажатларига қўшимча равишда тўланади.

Жабрланувчини парвариш қилиш учун қўшимча харажатлар, уларнинг ким томонидан амалга оширилишидан қатъи назар, тўланади.

Махсус транспорт воситаларини сотиб олиш харажатлари уларнинг қиймати доирасида тўланади.

Бошқа қўшимча харажатлар миқдори тегишли ташкилотларнинг счётлари ва бошқа ҳужжатлар асосида ёхуд жабрланувчи томонидан ушбу харажатлар қилинган вақтдаги нархларга мувофиқ аниқланади.

24. Жабрланувчининг санаторий-курортда даволанишга муҳтожлиги ҳақида ТМЭК хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, унга ҳар йилги меҳнат таътилидан ташқари даволаниш учун қўшимча таътил берилади. Даволаниш учун берилган таътил вақти учун тўлов ҳар йилги таътил тўлови учун белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Даволаниш давридаги зарарни тўлаш умумий асосларда амалга оширилади.

Меҳнат жароҳати олган ходим бошқа ишга ўтганда, даволаниш учун берилган қўшимча таътил учун тўлов зарар етказилгани учун масъул бўлган иш берувчи томонидан амалга оширилади.

Жабрланувчи, шунингдек уни кузатиб боровчи шахснинг йўл кира харажатларини тўлаш миқдори хизмат сафари тўғрисидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ аниқланади.

25. Йўқотилган иш ҳақи (даромади)ни тўлашдан зарарни тўлашнинг бошқа турларидан ташқари, иш берувчи жабрланувчига бир йўла бериладиган нафақа тўлайди.

Ходим соғлиғига етказилган зарар билан боғлиқ ҳолда иш берувчи томонидан тўланадиган бир йўла бериладиган нафақа миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса — иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи ўртасидаги битим бўйича аниқланади. Бир йўла бериладиган нафақа миқдори жабрланувчининг бир йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Йиллик иш ҳақи миқдори мазкур Қоидаларнинг 14 ва 15-бандларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ўртача ойлик иш ҳақини ўн иккига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

IV. Боқувчининг вафоти сабабли зарарни тўлаш

26. Ходим меҳнат жароҳатига боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда, иш берувчи марҳумнинг қарамовида бўлган меҳнатга лаёқатсиз, шунингдек ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга ёки марҳум вафот этган кунгача ундан нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, марҳумнинг вафотидан сўнг туғилган фарзандига, шунингдек ота-оналаридан бирига, умр йўлдошига ёки оиласининг ишламайдиган ва вафот этганининг 3 ёшга тўлмаган болалари, укалари, сингиллари ёки набиралари парвариши билан банд бўлган бошқа аъзосига зарарни тўлаши шарт.

Болаларнинг боқимандалиги назарда тутилади ва бунинг учун далиллар талаб қилинмайди.

Куйидагилар меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланади:

16 ёшдан ошган шахслар, агар улар шу ёшга етгунга қадар ногирон бўлиб қолган бўлса;

60 ёшга тўлган эркаклар ҳамда 55 ёшга тўлган аёллар;

белгиланган тартибда ногирон деб эътироф этилган шахслар.

Оила аъзосининг меҳнатга лаёқатсизлиги бошланган вақт (боқувчининг вафотигача ёки вафотидан кейин) унинг зарар тўловини олиш ҳуқуқига таъсир этмайди.

16 ва ундан катта ёшдаги ўқувчилар ўқув юрларининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатгунларига қадар, аммо кўпи билан 18 ёшгача зарар тўловини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

27. Вафот этган боқувчининг қарамовида бўлган ва боқувчининг вафоти туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар учун

зарар миқдори вафот этган шахснинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан унинг ўзига ва қарамоғидаги меҳнатга лаёқатли, аммо зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларга тўғри келадиган улушни чегириб ташлаган ҳолда белгиланади.

Зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ҳар бирига бериладиган зарар тўловлари миқдорини аниқлаш учун боқувчи иш ҳақининг кўрсатиб ўтилган шахсларнинг ҳаммасига тўғри келадиган улуш уларнинг сонига тақсимланади.

Вафот этган шахснинг қарамоғида бўлмаган, аммо зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар учун зарар тўлови миқдори суд тартибида белгиланади.

Вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган ва бўлмаган шахслар айтилган бир вақтда зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлишган тақдирда зарар тўловлари миқдори энг аввало вафот этган шахснинг қарамоғида бўлмаган шахслар учун белгиланади. Улар учун белгиланган зарар тўлови суммаси боқувчининг иш ҳақидан чегириб ташланади, сўнг иш ҳақининг қолган миқдорига қараб вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган шахслар учун зарар тўлови миқдори мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошида назарда тутилган тартибга мувофиқ белгиланади.

Боқувчисини йўқотганлик туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар учун уларга боқувчи вафоти туфайли тайинланган пенсия, шунингдек бошқа пенсиялар, иш ҳақи, стипендиялар ва бошқа даромадлар зарар тўлови ҳисобига киритилмайди. Бунда қарамоғида бўлган ҳар бир шахс ҳисобига зарар тўлови миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

28. Боқувчисини йўқотганлик туфайли зарар тўлови олишга ҳуқуқи бўлганлардан ҳар бирига белгиланган зарар миқдори кейинчалик ҳисоб-китоб қилинмайди, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

чақалоқ боқувчининг вафотидан кейин туғилганда;

вафот этган боқувчининг фарзандларида, набиралари, укалари ва сингиллари учун ёшга тўлгунгача парвариш қилиш билан банд бўлган шахсларга зарар тўловлари белгиланганда ёки тўхтатилганда;

вафот этганнинг қарамоғида бўлган ёки у вафот этган кунгача унинг таъминотида бўлиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар сони ўзгарганда.

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда зарарни тўлаш миқдори, зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сони кўпайиши ёки камайиши ҳисобга олинган ҳолда, мазкур Қоидаларнинг 27-бандига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилади.

29. Боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга иш берувчи вафот этганнинг камида олтига ўртача йиллик иш ҳақининг ушбу шахслар сонига бўлинган суммасида бир йўла бериладиган нафақа тўлайди.

Олтига ўртача йиллик иш ҳақи миқдори мазкур Қоидаларнинг 14 ва 15-бандларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган вафот этганнинг ўртача ойлик иш ҳақи (даромади)ни етмиш иккига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

30. Соғлиқ шикастланганлиги туфайли бир йўла бериладиган нафақа олингандан кейин ходим меҳнат билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши муносабати билан вафот этган тақдирда, иш берувчи вафот этганнинг камида бешта ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида бир йўла бериладиган нафақа тўлаши шарт.

31. Ходим меҳнат билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши муносабати билан вафот этган тақдирда иш берувчи қўшимча равишда дафн этиш учун зарур харажатларни ушбу харажатларни сарфлаган шахсга тўлаши шарт.

Дафн этиш учун зарур харажатлар зарарни тўлаш ҳисобига киритилмайди.

V. Зарарни тўлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби

32. Иш берувчи касб бўйича меҳнат лаёқатини йўқотган ходимга ишлаб чиқаришда нобуд бўлганнинг оила аъзоларига амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг зарарни тўлашга бўлган ҳуқуқларини ва ушбу масалалар билан иш берувчига мурожаат қилиш тартибини тушунтириши ҳамда зарарни тўлаш тўғрисидаги талабларни бериш учун зарур бўлган ҳужжатларни олишда ариза берувчига кўмаклашиши ва тегишли ҳолларда ушбу ҳужжатларни бошқа ташкилотлардан талаб қилиши шарт.

33. Зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза иш берувчига берилади. Зарарни тўлаш тўғрисидаги аризининг нусхаси касаба уюшмаси қўмитасига ёхуд корхона ходимларининг бошқа ваколатли органига берилади.

34. Иш берувчи зарарни тўлаш тўғрисидаги аризани ариза олинган кундан бошлаб 10 кун муддатда кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши шарт.

Қарор иш берувчининг буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилади. Буйруқ асосланган бўлиши зарур, унда зарар тўловини оладиган шахслар, оиланинг ҳар бир аъзоси учун унинг миқдорлари ва тўлаш муддатлари кўрсатилади.

Иш берувчининг зарарни тўлаш ёки асосланган рад этиш ҳақидаги буйруғи нусхаси ходимга ёки манфаатдор шахсларга буйруқ чиқарилган кундан бошлаб 3 кун муддатда топширилади.

35. Зарарни тўлаш тўғрисидаги аризага Даволаш-меҳнат экспертиза комиссиясининг касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даражаси тўғрисидаги ҳамда тегишли ҳолларда жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига муҳтожлиги ҳақидаги хулосаси илова қилинади.

Зарар тўловлари муддатини узайтириш учун ҳам юқорида қайд этилган ҳужжатлар тақдим қилинади.

36. Даволаш-меҳнат экспертиза комиссиясида соғлиқни текширувдан ўтказиш ва қайта текширишдан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

37. Боқувчисини йўқотганлик туфайли зарар тўланиши ҳуқуқига эга бўлган шахсларга зарарни тўлаш ҳақидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи (ФХДЁ) томонидан боқувчининг вафоти тўғрисида берилган гувоҳнома нусхаси;

б) вафот этган шахснинг оила аъзолари таркиби, шу жумладан унинг қарамоғида бўлганлар тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси (ёки бошқа ҳужжатлар) ёки суднинг тегишли қарори нусхаси;

в) вафот этган шахснинг 3 ёшга тўлмаган болалари, укалари, сингиллари ёки невараларини парвариш қилиш билан банд бўлган ота-онаси, умр йўлдоши ёки бошқа оила аъзосининг ишламаётганлиги тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси;

г) ўқув муассасасининг зарар тўланиши ҳуқуқига эга бўлган, ёши 16 дан 18 гача бўлган шахсларнинг ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқиши тўғрисидаги маълумотномаси.

Тўловлар муддатини узайтириш учун зарар тўловларини келгусида ҳам олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (ўқиши тўғрисида маълумотномалар ва бошқалар) тақдим этилади.

38. Боқувчининг оила аъзолари таркиби, шу жумладан вафот этган шахснинг қарамоғида бўлганлар ҳақида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси.

лумотномасида (ёки бошқа ҳужжатларда) оила ҳар бир аъзосининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва ойи кўрсатилади.

Тегишли ҳужжатлар бўлмаганда ҳамда уларни тиклаш имконияти бўлмаган тақдирда, шунингдек манфаатдор шахс маълумотномадан норози бўлганда қарамоғида бўлганлик ҳолати суд томонидан белгиланади.

39. Жабрланувчининг ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг илтимосига кўра корхона касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар томонидан вакил қилинган бошқа ваколатли орган иш берувчи билан музокараларда жабрланувчи томонидан қатнашиш учун ўз вакилини ажратади.

40. Ходим ёки манфаатдор шахслар иш берувчининг қароридан норози бўлган ёки белгиланган муддатда жавоб олинмаган тақдирда ушбу низони ҳал этиш учун судга мурожаат қилишлари мумкин. Корхонанинг касаба уюшма қўмитаси ёки ходимлар томонидан вакил қилинган ваколатли орган манфаатдор шахсларнинг розилигига кўра ариза билан судга мурожаат қилиши ва суд жараёнида қатнашиши мумкин.

Зарарни тўлаш ҳақидаги ариза судга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

41. Чет элда ишлаган даврда меҳнат жароҳати олган ходимлар ва боқувчиси вафот этган тақдирда уларнинг оила аъзолари томонидан зарар тўловини олиш тўғрисидаги ариза ходимни чет элга ишга юборган вазирликка, идорага, ташкилотга, корхонага берилади.

VI. Юридик шахс қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда зарарни тўлаш суммасини капиталлаштириш ва тўлаш тартиби

42. Белгиланган тартибда ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар деб эътироф этилган юридик шахс қайта ташкил этилган (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) тақдирда зарарни тўлаш бўйича тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти учун унинг ҳуқуқий вориси жавоб беради. Зарарни тўлаш тўғрисидаги талаб ҳам унга берилади.

43. Ходим меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилишида, бу белгиланган тартибда қайта ташкил этиш комиссияси томонидан тасдиқланган тақдирда, жавобгар бўлган қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер хўжалиги, юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликларига маблағлар мавжуд бўлмаган ёки етарли бўлмаган тақдирда зарарни тўлаш суммаси ижтимоий таъминот туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда матнда ижтимоий таъминот бўлимлари деб юритилади) томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан тўланади.

Ходим меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) фермер хўжаликларига айлантирилганда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ зарарни тўлаш суммаси, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да маблағ бор-йўқлигидан қатъи назар, ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан тўланади.

Қайта ташкил этиш комиссияси юқорида кўрсатилган органларга тўловни бундан кейин амалга ошириш учун жабрланувчининг зарур бўлган барча ҳужжатларини беради.

44. Меҳнат жароҳати учун жавобгар бўлган юридик шахс тугатилган тақдирда тугатиш комиссияси зарарни тўлаш суммасини бундан кейин тўлаш учун зарур суммани тугатилаётган юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жой бўйича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маблағлари жамланадиган ижтимоий таъминот бўлимларининг махсус мақсадли бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларига ўтказиши керак.

45. Агар жабрланганга ёки зарарни ундиришга ҳуқуқи бўлган шахсларга зарар суммасини тўлаш муайян даврга белгиланган бўлса, у ҳолда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказиш учун мазкур суммани ҳисоблаб чиқиш юридик шахс тугатилган кунда мазкур Қоидаларда белгиланган миқдорда, бироқ камида беш йил учун амалга оширилади.

46. Агар юридик шахс тугатилган кунда жабрланувчиларга ёки бунга ҳуқуқи бўлган шахсларга зарар суммасини тўлаш муддатсиз белгиланган бўлса, у ҳолда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлаш учун мазкур суммани ҳисоблаб чиқиш Ўзбекистон Республикасида ўртача умр кўриш ёши ҳисобга олинган ҳолда юридик шахс тугатилган кунда мазкур Қоидаларда белгиланган миқдорда, бироқ камида 5 йил учун амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида ўртача умр кўриш ёши Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг манфаатдор органлари ва ташкилотлари эътиборига етказилади.

47. Зарарни тўлаш учун суммаларни ўтказиш тугатилаётган юридик шахснинг маблағлари ёки мол-мулки мавжуд бўлмаганлиги ёки етарли эмаслиги сабабли мумкин бўлмаган ҳолларда ва зарарни тўлаш учун суммаларни ўтказиш тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер хўжалиги, деҳқон хўжалигида маблағ йўқлиги ёки етарли эмаслиги туфайли мумкин бўлмаган ҳолларда, бу тугатиш комиссияси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган тақдирда, шунингдек агар юридик шахс тугатилгандан кейин жабрланганларда ёки зарар тўланиши ҳуқуқига эга бўлган шахсларда, мазкур Қоидаларга мувофиқ, уларни олиш учун қўшимча ёки янги ҳуқуқлар пайдо бўлганда зарарни тўлаш суммаси ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан тўланади.

Тугатиш комиссияси бундан кейин тўловни амалга ошириш учун жабрланганларнинг зарур бўлган барча ҳужжатларини юқорида кўрсатилган органларга беради.

48. Ижтимоий таъминот бўлимлари зарар тўланиши ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг яшаш жойлари бўйича зарар суммаси тўловини мазкур Қоидаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган миқдорда амалга оширадилар.

49. Юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда зарар суммасини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланади.

VII. Зарарни қоплаш суммасини тўлаш тартиби ва муддатлари

50. Зарарни қоплаш тўловлари:

а) жабрланувчиларга — улар меҳнат жароҳати оқибатида касб бўйича меҳнатга лаёқатини тўлиқ ёки қисман йўқотган кундан бошлаб;

б) боқувчининг вафоти туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга — боқувчининг вафот этган кундан, аммо фақат зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлинган вақтдан бошлаб тўланади.

51. Зарарни ундириш тўғрисида ариза жабрланувчининг меҳнат жароҳати туфайли касб бўйича меҳнатга лаёқати йўқотилгандан ёки боқувчининг вафотидан 3 йилдан кейин берилган тақдирда зарарни тўлаш бу ҳақда мурожаат қилинган кундан бошлаб амалга оширилади.

Ариза берилган кун зарарни тўлаш тўғрисида мурожаат қилинган кун ҳисобланади.

52. Зарар тўловларини олиш муддатини узайтириш зарур ҳужжатлар тақдим этилиши бўйича аввалги тўловлар муддати тугаган кундан бошлаб амалга оширилади.

53. Ўртача ойлик иш ҳақи (даромад) бўйича зарарни тўлаш меҳнат жароҳати туфайли жабрланувчи касб бўйича меҳнат лаёқатини йўқотганлик белгиланган муддат учун, қўшимча харажатларни тўлаш эса уларга муҳтожлик белгиланган муддат давомида амалга оширилади.

54. Иш берувчи жабрланувчини ёки манфаатдор шахсларни зарарни тўлаш миқдори қайта ҳисобланишига сабаб бўлган маълумотлар билан тилхат бўйича таништириши шарт, жабрланувчи ёки манфаатдор шахслар эса ўз навбатида зарар тўлови миқдори қайта ҳисобланишига сабаб бўлган ўзгаришлар тўғрисида ёзма равишда маълум қилишлари шарт (энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ошган ҳоллар бундан мустасно).

55. Жорий ой учун зарар тўловлари ушбу ой тугашидан кечикмай тўланади.

Бир йўла тўланадиган нафақа зарарни ундириш ҳуқуқи олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида тўланади.

Зарар тўловлари суммасини олувчига етказиб бериш ва жўнатиш харажатлари етказилган зарар учун жавобгар бўлган иш берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

Ушбу суммалар, олувчиларнинг хоҳишига кўра, уларнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилиши мумкин.

56. Зарарнинг белгиланган тўловлари қуйидаги муддатлардан бошлаб қайта ҳисоблаб чиқилади:

зарарни қоплаш миқдорини ошириш ҳуқуқи вужудга келганда — тегишли ҳолатлар юзага келган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб;

қоплаш миқдорининг камайтирилишига сабаб бўлувчи ҳолатлар юзага келганда — тегишли ҳолатлар юзага келган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб.

57. Зарарни ундирувчи шахс қариялар ёки ногиронлар уйига жойлаштирилган тақдирда, унга зарарни қоплаш миқдори билан у ердаги парвариш қилиш қиймати ўртасидаги фарқ тўланади, аммо бу тайинланган зарар қопланиши суммасининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Агар кўрсатиб ўтилган шахсларнинг қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз кишилар бор бўлса зарар қуйидаги тартибда қопланади: қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз бир киши ҳисобига — белгиланган қоплаш суммасининг чорак қисми, икки киши ҳисобига — учдан бир қисми, уч ва ундан кўп киши ҳисобига ярми қопланади. Тўловнинг қолган қисми қариялар ва ногиронлар уйида парвариш қилиш қийматини чегириб ташлаган ҳолда, аммо зарар қопланиши миқдорининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, жабрланувчининг ўзига тўланади.

58. Суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилиб жазо муддатини ўташ даврида қопланиши керак бўлган зарар суммаси олувчининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва унга озодликдан маҳрум этилган жойдан чиққандан кейин тўланади.

59. Тайинланган, аммо жабрланувчи ёки зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан ўз вақтида олинмаган тўлов уни олиш ҳақида мурожаат қилинган олдинги 3 йилдан кўп бўлмаган вақт учун тўланади.

Зарар учун жавобгар бўлган иш берувчининг айби билан ўз вақтида олинмаган зарарни қоплаш суммаси бирон-бир муддат билан чегараланмаган ҳолда ўтган давр учун тўланади.

60. Жабрланувчига ёки боқувчининг вафоти туфайли зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тегишли бўлган ва вафот этиш туфайли улар томонидан тўлиқ олинмай қолган зарар ундириш суммаси умумий асосларда уларнинг меросхўрларига тўланади.

61. Жабрланганларга ёки зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга ортиқча тўланган зарар тўлови суммаси, агар улар томонидан суистеъмом қилиш оқибатида (қасддан нотўғри маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар тақдим этилиши, боқувчисини йўқотган тақдирда зарар суммасини ундириш тайинланган оила таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилмаслиги натижасида ва бошқалар) ёхуд санокдаги хато оқибатида асоссиз тўланган бўлса, қайтариб олиниши мумкин.

Нотўғри олинган зарар тўлови суммасини қайтариб олиш меҳнатга ҳақ тўлаш суммасидан чегириб қолишда қонун ҳужжатларида белгиланган кафолатларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Зарарни қоплаш суммасини тўлаш тўхтатилган тақдирда ортиқча тўланган сумма бўйича қарзнинг қолган қисми суд тартибида ундирилади.

62. Зарар суммасини тўлаш даврида зарарни қоплаш тайинланиши тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси (суднинг қарори), жабрланувчи ва бошқа манфаатдор шахсларнинг зарарни қоплаш тайинланиши тўғрисидаги аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда иш берувчининг бухгалтериясида ҳар бир олувчининг алоҳида ҳужжатлар йиғмажилдида, иш берувчи тугатилган тақдирда эса — иш берувчи рўйхатдан ўтказилган жойдаги Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг даромадлар ва харажатлар бўлимида сақланади.

Зарар суммасини тўлаш тўхтатилгандан икки йил кейин кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар йиғмажилдлари иш берувчининг архивига ёки бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига доимий сақлаш учун топширилади.

63. Ўзбекистон Республикаси ташқарисига доимий яшаш учун жўнаб кетган шахсларга зарарни тўлаш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарорига
2-ИЛОВА

I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1994 йил 1 февралдаги 48-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 2-сон, 7-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларнинг баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2001 йил 1 мартдаги 103-сон қарорига илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 13-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон қарорига 3-илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон, 21-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

II. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 98-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом 27-бандининг «б» кичик банди еттинчи хатбошига «корхона тугатилганда» сўзларидан кейин «қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер ва деҳқон хўжалиги қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда» сўзлари қўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

36 Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида

Кўрсатилаётган коммунал хизматларнинг ҳажми ва қийматини яқка тартибда ҳисобга олиш ва улар ҳақини ўз вақтида тўлаш механизмини жорий этиш ва унга сўзсиз риоя этиш, коммунал хизматларни ишлаб чиқариш ва аҳолига коммунал хизматлар кўрсатишда замонавий ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш асосида коммунал хизмат кўрсатиш тизимини модернизациялаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг замонавий тизимини жорий этиш дастури тасдиқлансин, унда ҳисобга олиш приборлари ўрнатишни тўлиқ тугаллашнинг қуйидаги муддатлари назарда тутилади:

табiiй газни ҳисобга олиш приборларини — 2005 йил 1 сентябргача, 1-иловага* мувофиқ;

совук сувни ҳисобга олиш приборларини — 2007 йил 1 июлгача, 2 ва 2а-иловаларга* мувофиқ;

* 1, 2, 2а-иловалар берилмайди.

иссиқ сувни ҳисобга олиш приборларини — 2007 йил 1 июлгача, 3-иловага* мувофиқ;

иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларини (қўп квартирали уйларга кириш жойларида) — 4-иловага* мувофиқ 2007 йил 1 январгача тугаллаш.

Иссиқлик билан таъминлаш манбаларида иссиқликни ва табиий газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш 2007 йил 1 январгача тугаллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва «Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш йўли билан аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматларни тўлиқ ҳисобга олишни жорий этиш дастурини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш тўғрисида;

ҳисобга олиш приборларини Ўзбекистон Республикасининг уларни ўрнатиш ва алмаштиришга бўлган жорий эҳтиёжини тўлиқ таъминлайдиган миқдорда кенг қўламда ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда умуман ҳар қайси ҳудуд, туманлар ва шаҳарлар, муайян қўп квартирали уйлар бўйича коммунал хизматларни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш жадваллари ва тадбирларини ишлаб чиқсинлар ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

4. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўздавнефтгазинспекция», «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш комплекс дастурини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар, дастурда қўйидагилар назарда тутилсин:

буғ агрегатларини ишлаб чиқариш ҳамда маънавий эскирган ва иқтисодий жиҳатдан тежамсиз буғ агрегатларини алмаштириш ишларини 2008 йил 1 январгача тугаллаш;

эскирган иссиқлик ва сув қувурлари тармоқларини алмаштириш ишларини 2010 йил 1 январгача бўлган муддатда тугаллаш;

маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда 2005—2008 йиллар мобайнида ҳамма жойда иссиқлик билан таъминлашнинг ёпиқ схемасига ёки марказлаштирилмаган ҳолда (маҳаллий схема бўйича) иссиқлик билан таъминлашга ўтиш.

5. Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига амалга ошириш назарда тутилаётган устувор инвестиция лойиҳалари рўйхати 5-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

* 3—5-иловалар берилмайди.

7. «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги «Ўзкоммунизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилишини мунтазам равишда ёритсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ҳ. Тўхтаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 февраль,
61-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

37 Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
31 январда 1446-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 10 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июндаги 263-сонли «Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 22-23-сон, 264-модда) ва 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 52-сон, 523-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 январь,
3-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 январь,
2005-3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИРИНИНГ
БУЙРУФИ**38** Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган заргарлик буюмлари бўйича акциз солиғи ставкаси-ни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 31 январда 1447-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 10 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 декабрдаги 610-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан **бюраман**:

1. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган заргарлик буюмлари бўйича акциз солиғи ставкаси қўшилган қиймат солиғисиз келишилган (эркин) нархларда (акциз солиғи суммаси билан биргаликда) юклаб жўнатилган маҳсулот, шу жумладан қайта ишлов учун қабул қилинган хом ашёдан тайёрланган маҳсулот қиймати-га нисбатан 20% миқдорида белгилансин ва юридик шахслар томонидан солиқ суммасини тўлаш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 31 декабрь,
133-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

39 Болалар учун товарлар ва аёллар гигиенаси ашёларини ишлаб чиқариш ҳамда сотишга ихтисослашган корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

(2005 йил 31 январда 13-мҳ-сон билан давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 52-сон, 523-модда) асосан, **қарор қиламиз:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1999 йил 10 июлдаги 43 ва 99-70-сон билан тасдиқланган «Болалар учун товарлар ва аёллар гигиенаси ашёларини ишлаб чиқариш ҳамда сотишга ихтисослашган корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби» (1999 йил 10 июнь, рўйхат рақами 744 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 9-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 18 январь,
12-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 18 январь,
2005-8-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

40 Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёж-
лари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиш-
тириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредит-
лаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
2 февралда 1448-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 12 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида **қарор қиламиз:**

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1295, 2004 йил 6 январь — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й. январь, 1-2-сон) ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 январь,
2-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 январь,
259-В-сон

Молия вазирлиги
Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил
14 январдаги 2, 259-В-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун
харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини
тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадалари учун кредитлар бериш тартибини белгилайди.

2. Тижорат банклари томонидан ушбу кредитлар қишлоқ хўжалиги корхоналарига муддатлилик, тўловлилик, таъминланганлик ҳамда мақсадли фойдаланиш шартларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадларида берилади.

3. Ушбу Низом асосида кредитлаш:

— 2005 хўжалик йилидан бошлаб давлат эҳтиёжлари учун пахта етиштирувчи барча қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳамда ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига;

— 2006 хўжалик йилидан бошлаб давлат эҳтиёжлари учун ғалла етиштирувчи барча қишлоқ хўжалиги корхоналарига тадбиқ этилади.

4. Кредитлар давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла қийматининг 50 фоизгача миқдорида берилади. Қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулот ҳажмининг қиймати «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздонмаҳсулот» АК корхоналари (бундан кейинги матнларда — тайёрлов корхоналари) билан тузилган контрактация шартномаларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади.

Кредит миқдорини аниқлаш учун амалдаги харид нархлари асос қилиб олинади. Янги харид нархлари тасдиқлангач, кредит миқдори кредит олувчининг талабига кўра қайта ҳисоблаб чиқилади.

5. Мазкур кредитлар фақат қуйидаги мақсадлар учун берилиши мумкин:

иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш учун;

минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситаларини харид қилиш учун;

ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини харид қилиш учун;

МТПлар, муқобил МТПлар ва СФУлар (сувдан фойдаланувчилар уюшмалари) хизматлари учун тўловлар;

олинган уруғлик материали қийматини тўлови учун;

хўжалик ихтиёридаги техникаларга эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун;

лизингга (молиявий ижарага) берилган техника воситаларининг лизинг ва суғурта тўловлари;

фойдаланилган электр энергияси учун тўловларга;

плёнка остига экиладиган пахта учун полиэтилен плёнкаси харид қилишга;

ягона ер солиғи тўловларига (муддати ўтган ер солиғи. Муддатли ер солиғи тўловлари қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланади).

Шунингдек, ажратиладиган кредитларнинг 5 фоизи доирасида пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган хўжаликларнинг бошқа зарурий эҳтиёжлар учун тўловлар амалга оширилиши мумкин.

6. Бунда, ушбу Низомнинг 5-бандида келтирилган экинларни етиштириш харажатларининг ҳар бир турини молиялаштириш учун бериладиган кредитларнинг энг кўп миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йилги ҳосил учун агротехкарталардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Кредит ушбу меъёрлар доирасида ажратиб борилиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг бирор бир харажат тури бўйича тўловларга эҳтиёжи бўлмаган ҳолларда, кредит ресурсларини айрим мақсадларга сарфлашдан воз кечиш ҳуқуқига эга. Бунда, тегишли ойда тежаб қолинган кредит ресурслари қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишга, ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоғларини тозалашга йўналтирилиши мумкин.

7. Кредитлар тегишли қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўйича қишлоқ хўжалик корхоналари билан якуний ҳисоб-китоблар якунлангунча, лекин ғалла етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича 12 ойдан ва пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича 18 ойдан кўп бўлмаган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

8. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш банк маржасини ҳисобга олган ҳолда, имтиёзли фоиз ставкаси билан амалга оширилади.

Бу кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 3 фоиз миқдорида белгиланиб, унинг 2 фоизи банк маржасини ташкил этади.

9. Кредит қишлоқ хўжалиги корхонасига унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами очган ва унга хизмат кўрсатаётган банк томонидан берилди. Ушбу кредитларни иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақами очилган банк томонидан берилишига рухсат берилмайди.

II. Кредитлар беришда тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг аризаларини кўриб чиқиш тартиби

10. Қишлоқ хўжалиги корхоналари тайёрлов корхоналари билан контрактация шартномалари тузганларидан кейин кредит олиш учун уларнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка ариза билан мурожаат этишади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномалари нусхалари;

кредитга бўлган талабни аниқлаш учун тайёрланган бизнес-режа;

сўнги ҳисобот даври учун Давлат солиқ хизматининг маҳаллий органи томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл) ва дебитор-кредитор қарзлар тўғрисида маълумотнома (2а-шакл), молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл).

11. Имтиёзли кредитлар қайтишини таъминлаш мақсадида, банк давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришни молиялаштириш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган имтиёзли кредитлар қайтарилиши бўйича ўзининг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиши мумкин.

«Ўзагросуғурта» компаниясининг имтиёзли кредитларнинг қайтмаслиги хавфини суғурталаш шартномалари бўйича суғурта бадаллари ҳажми олинаётган кредит суммасининг 0,75 фоизи миқдориди бўлади ва тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади. Бунда, «Ўзагросуғурта» ДАСК томонидан суғурта полиси кредит шартномасида белгиланган кредитнинг бутун қайтариш муддатига берилди. Тақдим этилаётган кредит миқдори «Ўзагросуғурта» ДАСК билан келишилган суғурта пулидан кўп бўлмаслиги зарур.

Тижорат банклари яхши молиявий ҳолатга эга бўлган, олдин олган кредитларини доимо ўз вақтида қайтариб келган қишлоқ хўжалиги корхоналарига мазкур кредитларни уларни қайтмаслик хатарини суғурталамаган ҳолда, яъни «Ўзагросуғурта» ДАСК суғурта полисини олмаган ҳолда бериш ҳуқуқига эгалар.

12. Мазкур Низомнинг 10-бандида келтирилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг, банк қишлоқ хўжалиги корхонасининг аризасини кўриб чиқиши ва 5 кун муддат ичида у билан кредит шартномаси тузиши лозим.

Кредит шартномасини тузишдан олдин банк қишлоқ хўжалик корхонасидан, ўзаро келишилган кредитни қайтариш жадвалида белгиланган муддатларда берилган кредитларнинг тегишли миқдорини тўлаб бериш ҳақидаги, қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбари ва бош бухгалтери (ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаси юклатилган шахс) томонидан имзоланган ҳамда думалоқ муҳр изи туширилган, муддатли мажбуриятномаларни талаб қилиб олади.

